

ТАЛОН-ТАРОЖНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

Бир гуруҳ шахслар фермер хўжаликларига ажратилган ёниги-мойлаш, минерал ўғит маҳсулотларини талон-тарож қилиш билан шугулланиб келган. Фермер эса олмаган маҳсулотига қарз бўлиб қолаверган.

2 бет

ЮРТ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Гурбатда гариб бўлган Фуркатлар, ўзга юрда шох бўлса-да, ўз диёрининг бир тилим қовунини кўлига олиб, кўзларидан шашкатор ёшлар оққан Мирзо Бобурларнинг сўнгсиз армони эди бу.

4 бет

ОДАМ ҚИЁФАСИДАГИ ЙИРТҚИЧ

Инсон — буюк мавжудот ва табиат гултождидир. Аммо баъзи бир одамларни бундай аташга тил ожизлик қилади. Афсуски, қора янгилаш шундай шахслар ҳам борки, улар ҳеч нарсадан тоймайдилар.

10 бет

«ФЕРМЕР»

Хаммасини одамларга сотиб юборган. Сизлар кўрган бугдойроҳ ҳам, нўхот экилган ер ҳам аслида ўзиники эмас. Ерни сотади, ёнигини сотади, имонини ҳам сотиб юборади унақар...

12 бет

Нижод

Mustaqillik huquq demakdir



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan

2007-yil 5-iyul, № 27 (548)

Жараён

Инсон манфаатлари — устувор қадрият

Мамлакатимиз тарихан қисқа даврда ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан изчиллик билан ривожланиб бормоқда. Бу жараёнда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга эътибор янада устуворлик касб этмоқда.

Президентимиз ташаббуслари билан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар натижаси бугун жамиятимиз ҳаётида рўй бераётган ижобий ўзгаришларда намоён бўлмоқда.

Ўтган ҳафта сўнггида ўз ишини тугатган Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялғи мажлисида қўрилган масалалар ҳам ана шундай ислохотларнинг бир қўринишидир. Сенаторлар «Улим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари қўриб чиқилди ва маъқуллади. Эеро, ҳар иккала қонун ўз моҳияти нуктан назардан мамлакатимизда инсон манфаатлари устувор қадрият эканлигидан далolat бериб турибди.

Авалло, шунга айтиш лозимки, 2001 йил 29 августда «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши босқичма-босқич амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг манғий қиломи бўлди.

Жиноий жазо тайинлашда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллаш доираси кенгайтирилди; ярашув институтининг жорий этилиши жиноят содир этган шахсларнинг тузалиш йўлига ўтишига ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий маънавиятини юксалтиришда жамoатчилик, маҳалла ва оиланинг фаол таъсир кўрсатиши имконини берди.

Қўрсаткичларга мувожаат эътидан бўлса, 2000 йилда судланганларнинг деярли 53 фоизига озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган бўлса, 2006 йилда 67 фоиз маҳумуға бу турдаги жазолар қўлланган. Қўрилиб турибдики, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Қолаверса, айрим мутахассисларнинг жиноий жазолар енгиллаштирилиши жиноятчиликнинг кесин ўсиб кетишига олиб келиши тўғрисидаги фикрлари тасдиқланмади, аксинча, мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш самардорлиги ошди ва ўта хавфли жиноятлар камайди.

Хусусан, мамлакатимизда 2000 йилга нисбатан ўтган йилда қотиллик жиноятлари 19,4 фоизга, номусга тегиш 3,1 фоиз, ўғирлик 43,5 фоиз, безорилик 6 фоизга камайди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда фуқаролар ҳуқуқлари ҳимоси босқичида ислохотлар босқичма-босқич ва изчиллик билан давом эттирилди.

Республикамиз Президентининг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»-ги Фармонида 2008 йил 1 январдан бошлаб жиноят қонунчилигида ўлим жазоси бекор қилиниши жиноий жазоларни либераллаштириш жараёнида муҳим қадам бўлди.

Ўлим жазосидан воз кечиш бўйича ҳаҳон таърибаси шунга кўрсатадики, дунё давлатларининг учдан икки қисмида бугунги кунга келиб, ўлим жазоси қонун асосида бекор қилинган ёки амалда қўлланилмайди. Хозирда 80 дан ортиқ давлатларда ўлим жазоси бекор қилинган, 29 та давлатда қонун билан бундай жазо белгиланган бўлсада, сўнгги 10 йил давомида бирор та ҳолатда ижро этилмаган.

Дунёда ўлим жазосидан воз кечётган давлатлар сафининг йилдан-йилга ортиб бориши тенденцияси кузатишмоқда. Жумладан, 1990 йилдан хозирга қадар 45 дан ортиқ давлатда ўлим жазоси бекор қилинди. Хозирда дунёнинг 69 та давлатида ўлим жазоси сакланиб қолмоқда.

Мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши ўлим жазоси тайинлаши мумкин бўлган жиноятлар сонини қисқартириш орқали 1994 йилгача амалда бўлган Жиноят кодексига ушбу жазо белгиланган 33 та жиноий тури, хозирда эса 2 тагача камайитрилгандан сўнг босқичма-босқич ҳал этилди.

Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилинган қонунга кўра Жиноят кодексига белгиланган жазо тизимидан ўлим жазоси чиқарилиб, янги жазо тури сифатида умрбод озодликдан маҳрум этиш жазоси киритилди.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулдда жазо ҳораси бўлиб, маҳумини махсус тартибли жазони ижро этиш колониясига жойлаштириш орқали жамиятдан муддатсиз ажратиб қўйилган иборат.

(Давоми 2-бетда).

Суриштирув

Тендердаги кўзбўямачилик

Етмиш ёшдан ўтган Махмуджон ака Имомовнинг гайрат-шижоатига тан бериш керак. Унинг яна бир фазилати тўғрисида ва ҳалол, ноҳақ ишга мурасасиз, Узок йиллар автоколоннада қайдовчи бўлиб ишлаган Махмуджон акани 80-йилларнинг ўрталарида ишдан бўшатишган. Сабаби — гайдовчинини иш қилишдан бош тортган. Яъни, унинг бошчилигида юк машиналари Сирдарё вилоятига юборилади. Қайтишда пахтаотоласини юклаб келишлари лозим эди. Бирок пахта тозалаш заводи директори «сизлар мана бу ҳужжатларга имзо чекиб, қайтиб кетаверинглар» дейди.

— Аслида йўқ юкни «юклаб олиб бориб, туширганимиз» ҳақида сохта юк хатларини имзолашдан бош тортдим, — дейди Махмуджон ака. Наманганга қайтиб келганидан кейин, турли баҳоналарни рўқач қилиб, ишдан бўшатишди. Бир йил мобайнида ишга тиклашлари учун курашдим. Олий судга бордим. Суд қарори билан ишга тикландим...

Махмуджон ака ўшанда мажбурий бекор юрган пайтлари учун ҳисоблашган бир йиллик маошини болалар билан йўқ ўтказдириб берди.

Оқсоқол ўзи яшаб турган Уйчи тумани собиқ «Файрат» ширкат хўжалигида биринчилардан бўлиб фермер хўжалиги ташкил қилди. 1994 йили унинг чорвачилик йўналишидаги «Гулбоғ» фермер хўжалигига еми-ҳашак етиштириш учун 9 гектар ер ажратиб берилди. Махмуджон ака ўша пайтлари ер олиб фермер бўлган, ишлари касодга учраб, синган айримларга ўхшаб толган фойдасини елга соғурмади. Чорва сонини кўпайтириш, ишни кенгайтиришни кўзлаб тинмай меҳнат қилди. Ўз кучи билан молхона қурди. Чорва моллари олти-миш бошга етганда қўшимча ер сўраб, туман ҳокимлигига мувожаат қилди. Бирок, ҳокимиятдагилар чорвани кўпайтирмайсиз деб, ер беришни рад этишди. Ниҳоят, 2000 йилда пахта етиштириш учун 44,4 гектар ва бугдўй ҳамда еми-ҳашак учун 36 гектар ерни «Гулбоғ» фермер хўжалиги тасарруфига ўтказишди. Лизинг шартномаси асосида фермер ҳайдов трактори, чопиқ трактори, транспорт трактори, чигит экиш севлкасини сотиб олди. Даромадлари ҳисобига техникадан қарзларини тўлиқ узди.

— Умумдорлиги паст ерларга суний тарзда пахта ҳосилдорлигини ошириб режа белгилашди, — дейди М.Имомов. — Шунга қарамай режани бажаришга интилдим. Бирок, би-

рин-кетин икки йил мобайнида 15 ноябрдан бошлаб пахта тозалаш заводи гуё ҳокимликнинг топшириғи бўйича терган пахтамызини қабул қилмай кўйди. Тонналаб пахта ерда увол бўлиб қолиб кетди. 2004 йили табиий офат туфайли пахта ҳосилдорлиги озайди. Суғурта идораси менга 2,1 миллион сўм тўлади. Бирок, пахта топшириш режасини бажара олмади, деган айбни тиржаб, 44,4 гектар ерни қайтариб олиб қўйишди. Қонунга зид равишда таниш-билишчилик қилиб, 20 гектарини «Темир шамс» номи, 24,4 гектарини «Абдували Омонов» номи фермер хўжаликларига ўтказиб беришди. Ўтган йилларда чорва молларини сонини 30 бадан 130 бошга етди. Бирок, шунга яраша ер ажратиб беришларини сўраб туман ҳокимлигига қилган мувожаатларим жавобсиз қолаверди...

2006 йили «Файрат» ширкат хўжалиги тугатилиб, ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этиладиган бўлгач, М.Имомов тендер комиссиясига ариза берди. 28,3 гектарлик 12-лоийҳа бўйича талабгорлар беш нафар эди. М.Имомовнинг тахририятга ёзган аризасида баён этилишича, тендер комиссияси банкдаги ҳисоб рақамида 12 миллион сўм маблағи, турта трактори борлиғи, деҳқончиликда-

ги иш таърибаси — 12 йилдан бери фермер хўжалиги ташкил этиб, ишни кенгайтириб бораётгани ва бошқа имкониятларига ҳолис баҳо бермади. Ширкат хўжалигида кўп йиллардан бери инженер бўлиб ишлаб келаётган бўлса-да, моддий имкониятлари чекланган. С.Илёсовга барча бандлар бўйича энг юқори балларни қўйиб, ноқонуний равишда танлов фойли деб топди.

— Ўрта маълумотим тўғрисидаги аттестатим ўқишга ҳужжат топшириб, киролмаган пайтимда институт-да қолиб кетганди, — дейди куноби отахон: Ўқиган мактабим берган маълумотномани ҳисобга қўшмади. Балл беришмади. Тендердан кейин аттестатимни олиб ҳам келдим. Киш-лок жойда ҳамма одам кафтадагидек кўз ўнгингизда туради. Собиржон Илёсовга ҳеч қандай давомим йўқ. Лекин, тендерга бир неча кун қолганида бирдангина икита тракторли бўлиб олди. Занжири трактори «Ҳожи Мағла» фермер хўжалигиники, гилдиракли тракторининг эгаси «Аббос ота» фермер хўжалиги. Танлов арасида таниш-билишчилик, юз-хотир қилиб Собиржоннинг номига расмийлаштириб қўйишди. Кейин қайтариб олиб ўзлари ишлатишяпти...

(Давоми 3-бетда).

Акс-садо

Эрта тонгда дарвозани очиб, ариқда оқабтган сувга челақ соламан, ховуқланган кафларим аро сувлар ўйноқлаб ерга тушгани ҳамон унинг бағрига сингиб кетади. Чанқоғини симиранга она ер ўзининг майин, ёқимли ҳидини само узра ўрлатади. Унинг бўйида маст бўлганимча ўзимга сиғмайман, гўё. Ҳали тонгги уйқусини тарқ этишга улгурмаган замининг бир тутам бағрига озор беришни истамасам-да, уни супругим ила қитқилаб ўйғотаман.

Ховли, ер шу тобда гўборлардан форим бўлди. Атрофга боқиб, дилим бахра олади... Кўча бошидан ўтиб кетаётган йўловчининг ҳам кўнгли яйрайди... Унинг мамнун боққан кўзлари шундай дейди. Бу mening маҳаллам, mening остонам, mening Ватан ичра ватаним. Бу Ватанда яшагучи маҳалладошларим ҳар тонг, ҳар шомда шу ишни қилади — маҳалла ободлигини, тозаллигини таъминлайди.

Сўнги пайтда атроф-муҳитнинг тозаллигига нисбатан фуқароларнинг салбий муносабати кузатилаётгани каби муаммоларнинг тез-тез қўлоққа чалинаётгани сир эмас. Негаки, одамларнинг, тўғрироғи, ўзаро бир-биримизга нисбатан ҳурмат, қадр-ҳимматимизни йўқотиб қўяётганимиз ва яна бошқа айрим ҳолатлар натижаси ўлароқ ОАБД бонг ўрилшига сабабчи бўлиб қоляпмиз. Шунингдек, газетанинг шу йил 7

1993-1994 йиллар. Олай бозорининг автобус бекатида улов қутиб турибман. Туркиялик икки йигит сигарет тутатиб, унинг қолдиргани ташлаш учун махсус қути ахтаришди. Шунда унинг шериги, ташлавермайсанми, қара, шундоғам атроф ифлос бўлиб ётибди, деди. Бу гап менга оғир ботди. Тўғриси индамай туролмайман. «Нега ерга ташлар экан, ана, тўлиб кетган бўлса ҳам қути бор-ку», дея эътироз билдирдим. Қанчалик тўғри билмадим-у, айтишларича, уларда хатто кўчада ҳам туфлаш мумкин эмас экан. Агар шу ҳақиқат бўладиган бўлса, бунинг натижасига қандай эришилган? Назаримда, тарбия, тартибга қатаъй амал қилиш орқали десак, нотўғри бўлмас.

Ёмғирли, совуқ кунларнинг бирида ўғлимнинг қўлига ахлат солинган челақни тўқатиб, тўкиб келишини буюрдим. Ҳали уйга қайтиб кирмасимданқ, ўғлим челақни бўшатиб келиб турибди. Топшириқни шунчалик тез бажариб келганидан уни мактаб бошладим-у, бирдан «қаерга ташлаб келдиёкан?» деган ҳаёлда тўхтаб қолдим. Уни тергай бошладим, агар тўғриси уни айтсанг ўрнатишмайман, дедим. Бола эмасми, ахлатни дарахт тагига ташлаганини айтиди. Гарчи ваъда қилган бўлсам-да, уни ортига қайтишни, тўқилган ахлатни қайтадан челаққа йиғиштириб солиб, қўлига ташлашини айтидим. Унинг совуқдан қизариб кетган бурни, қўлларини кафларимга олиб меҳрим

ЛОҚАЙД БЎЛМАЙЛИК...

июнь №23 сонида эълон қилинган «Тозалик ободлик белгисидир» номли мақолада ҳам айрим ҳолатлар юзасидан фикр билдирилган эди. Мен ҳам анчадан бери шу масалада баъзи жиҳатлар уйлантириб келардим. Эрта билан ишга, чекки пайт уйга қайтар эканман, йўлим Юнусобод бозори яқинидаги ер ости йўлидан ўтади. Ҳар кун кўриб, кўз таниш бўлиб қолган икки аёл ўша ерларни суғуриб, тозалар эди. Маълумки, ер ости йўли ўтган-қайтган йўловчилар билан гаўжум. Кимдир писта пўчғини, кимдир музқаймоқ қозғосини, яна кимдир бўшаган сув идишини йўлак четига улоқтиради... Аёллардан бири ўзини тегишли жойларни тозалар экан, ўзларини четга олмай писта чақиб турган йигитларга эътироз билдирди: — Болаларим, кўрмасаъсиэларим; мен бу ерни тозалаяман, сизнинг қилаётган ишингиз яқшини?

— Ишингиз шу бўлганидан кейин тозалаяман-да, — дейиш-ди йигитлар. Шериклар бир-бирининг гапини маъқуллаган қўли пўчқоқ туғлашда давом эттирди: Шу ҳолатта ўтган ҳам қайтган ҳам, шу жумладан мен ҳам гўвоҳ бўлдим. Афсуски, на мен, на бошқалар тўғрилик йўлида орага тушмадик. Йўлимда давом этарканман, наҳотки, бир оғиз ҳам гапиршига журъятим етмади, нимадан чўчидим, дея ўзимдан ранжидим. Тўғри, у аёлнинг иши шу, лекин у ким бўлишидан қатъи назар, биз ўзларим меҳнатини қадрлашимиз, қолаверса, инсон сифатида ҳурмат қилишимиз шарт. Биз худди шу нарсани унутаяпмиз ёки лоқайд бўлиб қолганмиз.

«Тозалик ободлик белгисидир» мақоласидаги «...бу ҳолатни кўрган хориқлик меҳмонлар маданиятимиз савиясига баҳо бериши мумкинчилигини ҳеч ўйлаб кўрганмизми?» деган жумла-ни ўқир эканман, беихтиёр талабалик йилларим эсимга тушди.

Издироб



«Фарзандим ногирон бўлиб қолди»

Ва ниҳоят, операция тугади. Докторнинг: кутайлик, худо хоҳласа яхши бўлиб кетар, — деган гаплари қошки кўнглимга таскин берган бўлса...

Шу тахлит саккиз ой ўғлимни касалхонада олиб ётдим. Ўғлимни машинасида уриб юборган Суннатилла Холма-тов йўл ҳароқат хавфсизлик хизмати тергов-суриштирув бўлими ходимлари томонидан айбисиз деб топилган. Мен бу қарорни адолатсиз деб ҳисоб-лайман. Масалан, «Нексия» автомобилнинг тезлиги бел-гиланганидан (60км/с) ошма-ганлиги жиноий иш қўзғати-ши рад этишга асос бўлган. Аслида ҳам шундаймикин? Агар машина белгиланган тез-ликда келган бўлса, нима учун термоз берилганидан кейин ўн беш-йигирма метр сурилиб ке-либ фарзандимни уриб кет-ган? Иккинчидан, қайнонам-нинг айтишича, авария содир бўлган пайтда атрофда ҳеч ким бўлмаган. Лекин тергов пай-тида бир неча гўвоҳларнинг пай-до бўлиши ва уларнинг «Не-ксия» машинаси секин келган-лиги ҳақидаги кўрсатмалари ажбланарли.

С.Холматов ўғлимни уриб юборган, машинасини тўхта-маган. Уни касалхонага бош-қа улов орқали олиб бордик. Болам билан саккиз ой нейро-

хирургия шифохонасида ёт-ган пайтимизда ҳам у бирор марта хабар олмади. Одам-гарчилик юзасидан узр ҳам сўрамади.

Ҳозир яна касалхонада-мик. Фарзандимнинг давола-ниши учун жуда кўп маблаг за-рур бўлаяпти. Менга С.Холма-товнинг қариндошлари болам «оёққа туриб кетгучча ёрдам берамиз» дейишгачи. Даст-лаб озорок дори-дармондан қарашиб туришди. Ҳозирда улардан умуман дарак йўқ...

Фарзандим ширин неъмат йўқ деганларича бор. Она учун фарзанд ҳаёт мазмуни демак-дир. Шу сабабдан, менда С.Холматовнинг айбисизлиги-га шўба бор. Яна бир бор уш-бу ҳолатни чуқурроқ ўрганиш за-рур деб ҳисоблайман. Кўнглимдаги гаплар мана шу. Мен ноҳақ бўлсам ай-тинг...

Ирода МИРХЎЖАЕВА,
Тошкент шаҳри
Собир Раҳимов тумани



Шукурки, Мирзямжоннинг ризиқи бу дунёдан узилмаган экан. Лекин, афсуски, у бир умрга ногирон бўлиб қолди. Ҳозирда унинг қўл-оёғи ишламайди.

Тендердаги кўзбўямачилик

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Янги ташкил этилган «Боягон-Хонобод саховати» фермер ҳўжалигининг раҳбари С.Илёв ўша тракторлар ўз номига ўтганига оид текталолларни кўрсатди.

— Ҳозир ҳам кўрайлик, — деганимизда тараддудланиб қолди.

— Занжирлиги «Ҳожи Малла», гилдраклиги «Аббос ота» фермер ҳўжалиқларида. Ишлатиб турайлик деб сўраб олиш-ган...

«Аббос ота» фермер ҳўжалигининг раҳбари Раҳимберди Турсунов чопиқ тракторни бошқа деҳқонга фойдаланиб туриш-га бериб юборибди. Унинг даласига борганимизда шийпонда, бузилган ҳолда турган экан. Занжирли трактор эса «собик эгасининг эгаси» — «Ҳожи Малла» фермер ҳўжалиги ҳовлиси-да ишга яроқсиз бўлиб ётибди.

Ҳужжатларга кўра бир ярим миллион сўмга сотиб олинган чопиқ тракторини айни гўзаларга ишлов берадиган пайтда «собик эгаси»га топшириб қўйиб, ўзи бошқа бир тракторни ёллаб, далада ишлаётган фермернинг «қўли очқиллиги» ҳайрон қолдиради ҳар қандай кишини. Яна бир қонунга зид ҳолат.

Гўё С.Илёвга 2006 йил декабрь ойида сотилган МТЗ 80 русумли давлат рақами 2077 Н трактори асл эгаси «Аббос ота» фермер ҳўжалигининг 2007 йил биринчи чораги ҳисоботларида ҳам асосий воситалар баънасида «мана мен» деб турибди. Ярим йилдан зиёд вақт ўтса-да, С.Илёвнинг «Боягон-Хонобод саховати» фермер ҳўжалиги балансида қўйилмаган.

— Суриштирсангиз, битта трактор танловларда икки-уч мартаball ҳўжақўрсинга «қатнашган» бўлиб чиқди, — дейди афсусланиб Маҳмуджон ака Имомов. — Бунақа қалбаки ишларга тоқат қилолмайман. Бундан аввал ҳам туман ҳўким-лиги шунчақ гирром «уйинлар» қилган. Менга ўшаball қуйган-лардан бири тахририятларингга мурожаат қилмоқчи эди...

О.Юсубжонов Уйчи туманидаги Навоий номли ширкат ҳўжа-лигида ҳосилот лавозимиде ишлаган. Қарийб бир йил курашиб, суд орқали ҳўқилини ишботлашга муваффақ бўлди. Бирок, ҳамон унинг иш бошланиш муаллақлигини чақоқмоқда. Гап шунда-ки, у ушбу ширкат ҳўжалигида 2005 йил декабрь ва 2006 йил март ойларида (тақроран) ўтказилган танловларда иштирок этган. Танлов комиссияси лойиҳа (60,2 гектар ер майдони) бўйича беш талабгорлар орасида М.Бадаловни гўлиб деб топган. С.Юсуб-жоновнинг турли идораларга мурожаатлари асосида танлов жараёни ўрганилганида гўлибга гайркиюннинг равишида ортиқча баллар берилгани тасдиқланган. Наманган вилоят адлия бош-қармаси тақдимномасига мувофиқ Уйчи туман ҳўқими М.Валиев қарорига кўра дастлабки танлов ҳўсосалари бекор қилиниб, тақроран ўтказилган. Тақрорий танловда ҳам ҳўқимлик тазийки остида қўпол қонунбузилишларига йўл қўйилган. Тагин М.Бадал-ловга ортиқча баллар қўйилиб, гўлиб деб топилган. Танловдан бир неча кун аввал эса танлов комиссиясининг раиси М.Қари-мов М.Бадалов ва талабгорлардан яна бири, дастлабки танлов-да энг паст бал олган М.Мамажоновни ҳўзурига тақлиф қилиб, лойиҳадаги ер иккаласига бўлиб берилаёгани баён этган. Ёқуд танлов арафасидаёқ, унинг натижасини аввалдан келишиб олишган. Тақрорий танловдан кейин М.Мамажоновга лойиҳада-ги ернинг 12,5 гектари гайркиюннинг тарзда «иньом қилинган». Бирок Олимжон Юсубжонов ҳақиқат учун курашини давом эттирди. Унинг даъво аризасини кўриб чиққан фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманлараро суди танлов қонунга зид равишида ўтказилгани, М.Бадаловнинг баллари сўнғий равишида ошириб кўрсатилиб, гўлиб деб топилганини аниқлади. Ҳар иккала бошқич танлов натижаларини бекор қилиш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарди. Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят суди кассация тартибиде кўриб чиқиб, биринчи бошқич суднинг қарорини ўз кучида қолдирди.

— Лекин вилоят суди ушбу лойиҳадаги ерни менга топшириш тўғрисида кўрсатма бермади, — дейди Олимжон Юсубжонов. — Ўз ажримиде мен биринчи бошқич судга фақат танлов натижа-сини бекор қилишни сўраб даъво аризасида киритганимни ваъж қилиб, тақрорий танлов ўтказилиши лозим деб топди. Мен шунга ҳам розиман. Бирок, тақрорий танлов қачон ўтказилиши ҳамон қоронғу бўлиб қолаяпти. Маҳмуджон ака ҳам ер ололмаёпти. Туманимизнинг олди фермери. Ҳайр-саховатини аямайди...

Маҳмуджон Имомовнинг вилоят прокуратурасига мурожа-тини ўрганиб чиққан Уйчи туман прокуратураси туман ҳўқим-лигига тақдимнома киритди. Ушбу тақдимномага туман ҳўқим-лигининг жавобиде баён этилишича, «Гулбоғ» фермер ҳўжали-гида деҳқончилик мавсуми сўнғида ер ажратиб берилиши лозим.

— Ишонмайман ҳўқимга, қуруқ гап, — дейди Маҳмуджон ака Имомов. — М.Валиев аввал бошдан туман ҳўқимининг ўрин-босарлигида ҳам аризмга қулқол солмаган. Молларин олтишга бошга етди, тўққиз гектар ер қўшиб беринглар десам, «қис-қиртинг чорвангизни» деб рад қилган. Олтишга қорамолни қирқтага қамайтиришга мажбур бўлганман...

Ўн икки йилдан буён эрта-ю кен тинмай ишлаб, қанча тўсиқлар, қийинчиликларни енган, ўн етти нафар ҳамқишлоқ-лари учун иш ўринлари яратиб, 30 бош қорамолларни 130 бошга етказган, солиқ ва бошқа тўловларни бекаму кўст, ўз вақтида тўлаб, эл-юрт дастурхони тўқин бўлиши учун жон қуйдирётган отахонининг битта нуқсони бор. Халқларвар, тўғрисиқ, нотўғри ишни бетга очик айтиди. Тўғрисиқ ҳаммага ҳам ёкавермайди...

Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Ниқуқ» муҳбири

Пок нияти Наманган аҳлининг меҳнат шижоатига мен доимо чуқур ҳурмат билан қарайман.

Ислом КАРИМОВ

Ватан остонадан бошланади... Мозийдан мерос қолган бу қадимий ҳикмат ҳали-ҳануз ўз қадр-қимматини, аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ватан сўзининг ўзи ҳам ҳар бир инсоннинг юраги тўридан мустаҳкам ўрин эгаллаган мўқаддас туйғу. Одамзод илк бора ўзи кўз очган, киндик қони тўкилган тупроқни қадрдон гўшаси деб билди, ўша жойни энг азиз маскан дея эъзозлайди. Она юртдан олис кетганлар доимо Ватанини қўмсайди, унга ўзгача соғинч ва меҳр билан талпинади. Гурбатда гариб бўлган Фурқатлар, ўзга юртда шох бўлса-да, ўз диёрининг бир тилим қовунини қўлига олиб, қўзларидан шашқатор ёшлар оққан Мирзо Бобурларнинг сўнгсиз армони эди бу:

Ватандин яхши ёр бўлмас...

Ана шу жаннатмонанд гўша — Ўзбекистон атаммиш мустақил давлат дунё харитасида пайдо бўлганига 16 йил тўлмоқда. Албатта, оқсоч тарих учун бу муддат йил этган чакмоқ нисоли қисқа, оний фурсат. Аммо, мана шу қисқа давр ичида мамлакатимизда амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқларга бирма бир назар ташласак, асрларга тагиғулик. Ва бу муваффақиятларнинг барчасини истиқлолдек буюк неъмат билан боғлашга тўла ҳақимиз.

Энг аввало, мустақиллик бизга ҳуқуқ берди. Авваллари кичкина бир бино қуриш учун ҳам марказдан ружсат олинар, Москвага чопавериб не-не одамларнинг қову-

ворислари десак, муболага эмас.

Наманган вилояти 1941 йилнинг 6 мартда ташкил топган. Худуди қарийб 7,5 минг квадрат километр. Бу ерда 89 миллат ва эллатта мансуб 2 миллиондан ортик аҳоли истиқомат қилади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мустақиллик йилларида вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётида улугвор ўзгаришлар юз берди. Шаҳар ва қишлоқлар жуда катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари натижасида таниб бўлмаган даражада кўркам қиёфа касб этди. Наманганлик-

ган шарт-шароитлар, имтиёзу имкониятлар барчага маълум. Бизнинг ҳақ-ҳуқуқларимиз, манфаатларимиз ҳимояси Конституциямиз, бир қатор Қонун, Қарор, Фармон ҳамда бошқа меъриёв ҳужжатлар билан мустаҳкамлаб қўйилгани эса, нур устига нур. Шундай экан, нима учун шу азиз Ватанга жонфидо бўлмаслик керак?

Чиндан ҳам, вилоятдаги аксарият фермерлар бутун Соли Назар Обидовдек ўйлайдилар, фикрлайдилар, меҳнат қилдилар. Шу боис бўлса керак, улар қўлга киритётган муваффақиятлар залвори тобора ортик бормоқда.

Ўз фаолиятини жамоа ҳўжалигининг чорвачилик фермасини хусусийлаштириб олишдан бошлаган қосонсойлик ишбилармон Ҳамидхон Мўйдинхўжаевнинг номи бугунги кунда республикада ҳам маълум-у машҳур.



ЮРТ ХАҚИДА КЎШИК

ши титиларди. Ёхуд ўзбек халқи машаққат ва заҳмат чекиб қилган меҳнатининг роҳатини бошқалар кўрарди. Ҳаттоки, бойликларимиз ҳам ўзимизга буюрмасди.

Қачонки, Ўзбекистон ўз суверенитетини эълон қилганидан сўнгина Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов ибораси билан айтганда, «елкамизга офтоб тегди». Дарҳақиқат, истиқлолга эришганимиздан сўнг ўтаётган давр мобайнида юртимиз йилдан йилга юксалиб, тараққий этиб, равнак топиб бормоқда.

Буни мамлакатимизда ўзига хос салохиятга эга бўлган Наманган вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Наманган деганда киши кўз ўнгидан асов Қорадарё, шўх Нориннинг ҳаётбахш мавжларини ўзида муштарак этган азим Сирдарё соҳилларидаги бетимсол боғу бўстонлар, кундан-кун чирой очиб, яшанётган шаҳару қишлоқлар гавдаланади. Бу кўна диёр минг йиллар қаъридаги ўтмиш аждодларнинг марду майдонлиги-ю, илму амалдаги омилкорликлари билан Мағрибу Машриққа доврўг солган. Мухтасар айтганда, Наманган неча ўн минглаб қарвон ўтган Буюк Илпак йўлидаги қутлуг бекатлардан бири.

Наманган — қадим ўтмишдан нафақат зироатчилик ва ҳунар ўчоғи, балки шарқона маънавият марказларидан бири ҳисобланган. Абу Бакр Қосоний, Асриддин Ахсикатий, Сайфиддин Ахсикатий, Мавлоно Лутфулло, Нодим Намангоний, Фазлий Намангоний, Мулла Бозор Охунд, Бобораҳим Машраб сингари шоиру шуаролар, олимۇ фузалорлар шу табаруқ замин фарзандлари эдилар. Қадимшўнослар Полад Мунчоктепа, Чустадаги Биби Она бўлган афроди, Қосонсойдаги Муттепадан топган асотири-атикалар дехқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, савдо ва тижорат илми, кўна ва темирчилик бу ўлканинг эрмизгача бўлган даврлардаёқ юксак даражада ривожланганидан дарак беради.

Бутун Чуст ўлписининг доврўгини янада ошираётган, олдий пичоқчи-да санъат асарига айлантираётган, она заман бағридан элнинг ризқ-рўзини ундирётган замондошларимиз ўша аждодларидан қолган завол билмас анъаналарнинг чинакам

лар халқ ҳўжалигининг барча жабҳаларида буюк келажак сари дадил интилишмоқда.

Айниқса, аграр соҳада амалга оширилаётган туб ислохотлар ютуқлар омили бўлмоқда. Вилоятда мулкчиликнинг янги шакли-фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёйган, бугунги кунда барча ширкат ҳўжалари тугатилиб, улар неғизда 13800 та фермер ҳўжалиғи фаолият кўрсатмоқда.

— Собиқ тузум даврида узоқ йиллар бригада бўшлиғи бўлганман, — дейди Наманган туманидаги «Зоҳиджон Обидов» фермер ҳўжалиғи раҳбари Соли Назар Обидов. — Очиги, ўша вақтлари ҳам жонимизни жабборга бериб ишлаганмиз. Бирок меҳнатга яраша рағбат йўқ эди. Қолаверса, гўзага самолёт орқали сепилган зарҳули дорилар таъсирида не-не одамлар соғлиғини йўқотди, қўллари ажалдан беш кун бурун ўлиб кетди. Қишли қировли кунларда ҳам совуқдан дийдираб даладан чиқа олмаган аёллар-у норасида болаларни айтмайсизми? Режани бажарсак ҳам «социалистик мажбурият» деган юк елкамиздан босиб турарди. Ер эгаси, заминдор бўлиш эса, очиқ гап, ўша вақтлар ҳеч биримизнинг етти ухлаб тушимизга қирмаган. Номи улўғ, супраси қуруқ деганларидек, амалдор бўлса-да, енг учидан кун кўрардик. Олдий колхозчининг ноҷор турмушини-ку, асти қўяверинг.

Энди эса, ўша қўларимиз тушга ўшхаб қолди, очиги. Юртбошимизнинг узққни кўра олувчи, оқилона сибсатлари туфайли фермерлик ҳаракатига асос солинди, ер ўзининг ҳақиқий эгасини топди. Оиламиз билан фермерлик қила бошлаганимиздан рўзгорга қут-баракка кирди. Кичкина қишлоғимизда эса, менга ўшхабган мулкдорларни санаб чиқаман десангиз, бармоғингиз етмайди. Ана энди ишлабйилган замон келди, қандинги ур, дехқон деб қўяман ўзимга ўзим. Ахир, етиштирган гафал давлатга сотганимдан ташқари тонна-тонналаб уйимга қиряпти, ҳўжалиғимда ишлаётган ишчиларимнинг қорни тўқ, усти бут. Пахтадан яхшигина даромад олямак. Шуларнинг устидан данғиллама тўйлар қиялпимиз, уйлар қурапимиз. Ишнинг қўзини билганларга Президентимиз, ҳўкуматимиз томонидан ярашиб берилаёт-

— 1994 йилда шу тариқа «Чашмай сафед» кичик қорхонасини ташкил этгандик, — сўҳбатимизни давом эттирди Ҳамидхон ака. — Дастлаб сўт маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини ишта туширдик. Уни Германия ва Россияда ишлаб чиқарилган замонавий технология билан жиҳозладик. Албатта, бошланиши қўйин кечди. Лекин, чумқудан қўрққан тариқ экмайди. Бор қучгайратимизни сарфлаб, тўрт ака-ука бир ёқдан бош чиқариб, астойдил изландик, елиб-югурдик. Натижаси чакки бўлмади. Биз ишлаб чиқарган маҳсулотлар нафақат Наманган, балки бутун Ўзбекистон бозорини эгаллади. Айниқса, Қосонсой пишлогини мамлакатимизнинг истаган еридаги дўқондан сотиб олишингиз мумкин. Агар юртимиз истиқлолга эришиб, ўзимизга хон, ўзимизга бек бўлмаганимизда биз каби тadbirkorлар юзага чиқармиди? Демак, мустақиллигимиз меъмори бўлган Йўлбошимизга мингдан минг раҳмат айтсак ҳам кам.

Ҳ. Мўйдинхўжаев ниҳоятда камтар, камсукум инсон. Ўз ютуқларидан мақтаниб, гурурланиб гапиришини, ҳаммага кўз-кўз қилишини ёқтирмайди. Гап билгунча иш бил, дейдиган инсонлар тоифасидан. Аммо, унинг меҳнатлари юртимиз ривожига қай даражада улўш қўшиб келётгани хусусида қисқача бўлса-да, тўхталмасак, адолатдан бўлмас, бизнингча. У раҳбарлик қилаётган «Чашмай сафед» фермер ҳўжалиғи ўтган йили 360 миллион сўм даромад қилди. Шундан 55 миллион сўми соф фойда. 280 кишини иш билан таъминлаган. Ўтган йили 260 тонна дон, 163 тонна пахта етиштирилди. Қорамоллар сони 649 бошга қўнайди. 24 тонна гўшт ва 468 тоннадан ортик сўт ишлаб чиқарилди. 112 миллион сўмликдан зиёд сўт маҳсулотлари тайёрланди, аҳоли дастурхонига тортиқ қилинди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан фермер ҳўжалиғи ўз дастурини ишлаб чиққани, унга кўра бу йил 20 миллион сўмликдан кўпроқ хайрия ишлари амалга оширилиши кўзда тутилганини ҳам биз Ҳамидхон акадан эмас, унинг ёнидаги ҳодимларидан билиб олдик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Қаримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга

оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан таъиниш мақсадида жорий йилнинг 21 июнь куни Наманган вилоятига ташриф буюрган-ди.

— Қишлоқларнинг ободлиғи фермерлик ҳаракати, табдиркорлик ва хусусий бизнес ривожига бевосита боғлиқ. Юртинг истиқболини таъминлайдиган, эл юқини кўтара оладиган фермерлар, табдиркорлар Наманган вилоятида ҳам кўпчиликини ташкил этади, — деганди ўшанда давлатимиз раҳбари.

Бир гуруҳ фермерлар қатори Юртбошимиз билан учрашиб, у киши билан юзма юз сўҳбатлашиш бахтига мушарраф бўлган Ҳамидхон Мўйдинхўжаевнинг келгусидаги режалари янада улўжан, янада хайрли.

— Президентимиз берган маслаҳатлар, йўл-йўриқ ва кўрсатмалар бизни янада руҳлантириб юборди, — дейди у. — Давлатга гафла сотиш бўйича шартномавий режани ошиғи билан удаладик. Йил охиригача ишчи-хизматчиларимизнинг ўртача ойлик иш ҳақини 100 минг сўмга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини 25 хилга етказиш ниятидамиз. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини эса 500 миллион сўмдан оширамиз.

Дарҳақиқат, вилоят аҳли нафақат қишлоқ ҳўжалиғи, балки бошқа соҳаларда ҳам сезиларли ютуқларга эришиб келмоқда.

Хусусан, соелом авлод тарбияси, спортда қўлга киритётган зафарлари ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Узоққа бормайлик, куни кеча «Универсиада — 2007» мусобақаларида фаол иштирок этган наманганлик талабалар фахри 2-уринини эгаллаб, пойтахтдан медаллар шодаси ва олий мукофот — Президентимиз совғаси «Дамас» автомашинаси билан қайтганлари ҳам юқоридаги фикримизга яққол далил.

«Қадрлар тайёрлаш Миллий Дастури», «Тазлим тўғрисида»ги Қонун асосида мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшлар ҳам илм-фан, касбунах сирларини мукамал эгаллаб, Ватанга муносиб фарзандлар бўлиб камол топмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, бутун ҳар бир наманганликнинг юрағида яратиш, яшатиш ҳисси ҳўкморон. Зеро, буюк келажакнинг бир қисмини бунёд этиш Наманган аҳли зиммасида эканини улар яхши билишди. Юртни гуллатмоқ савоб бўлса, уни севмоқ йўмондан эканига ишончи собит вилоят меҳнаткашлари мустақиллик берган чексиз ҳўқуқлардан нуғумли фойдаланиб, Ватан тараққиётига муносиб улўш қўшиб истагидалар. Қутлуг мақсад сари ғайрат-шижоат билан сарфланаётган меҳнат замирида эса, халқимизнинг фаровон турмуши, эртанги ёруғ истиқболини таъминлашдек эзгу муддао бор. У рўёбга чиқмагунча наманганликларнинг қалби таскин топмайди, ризқ-рўз яратаетган бободоҳқонларнинг билаклари толмайди. Чўчки миллий истиқлол гоёиси барча-барчага эрк ва ҳурлик, барқарор тиңчилик осойишталик, қуч-қувват, мадад бериб турибди.

Албатта ушбу мақола орқали пок ниятли, меҳнатсевар ва олижаноб наманганликларнинг озода ва обод диёримиз равнақи йўлида амалга ошираётган ишлари ҳақида қисқача сўз юритдик, ҳолос. Агар, муҳтарам газетхон, сизда бу каби бунёдкорона юмушлар билан яқиндан танишишга хоҳиш туйилган бўлса, Наманганга бир келиб кетинг. Сизни ҳамюртларимиз очиқ юз, хуш калом, меҳмоннавозлик ила қўти олишлари аниқ!

Шўҳрат ДЕХҚОНОВ,
журналист

ХАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассолол, Ўзбекистон»...

«Болалар сайраси»:

16.45 «Эрталаклар» - ақшиликка етаклар. 17.25 «ИИВ хабарлари»...

Ўзбекистан

00.10 Курсатувлар дастури. 00.15 «4.30 ТВ анос.». 00.20 «KINOMANIYA»...



04.00, 08.00, 11.00, 14.00 Но-вести. 04.05 «Доброє утро!»...

09.45

«Вести. Дежурная часть». 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 «Вести»...

09.25

«Чистосердечное призна-ние». 10.00 Т/с «Охота на гения»...

ТНТ

05.00 М/с «Приключения лесных человечков»...

ТВ

05.00 «Сегодня утром». 07.10 Т/с «Чужое лицо»...

РОССИЯ

04.00 «Доброє утро, Россия!» 07.00 Д/ф «КГБ. Легенды»...

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассолол, Ўзбекистон»...

17.40 «Талимга эътибор» - келажакка эътибор. 18.00 «Маргилон-2000»...

Ўзбекистан

00.10 Курсатувлар дастури. 00.15 «4.30 ТВ анос.». 00.20 «KINOMANIYA»...

ТОҒИЙУЛ Seshanba

Телетомошанилар диққатига! Профилактика муносабати билан 10 июл кунин «Yoshlar» телерадиоканали уз курсатуларини соат 15.55 дан бошлайд.

15.55 Дастурнинг очилиши. 16.00 «ДАВР». 16.15 «Бу байрам - барчамизники!»...

20.40 «Эълонлар». 20.50 «Зерда». 21.35 «Ешлик навалари».

7.25 Курсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Ташкент!». 8.30, 11.35, 12.35, 18.25, 18.45, 21.25 «Анонс»...

21.00 «Жозиба». 22.10 «Премьера». 22.45 «Кино SMS со звездами».

SPORT

7.00 «Бодрое утро». 8.00 «Хабарлар» (рус. тилида) 8.20 М/ф.

TOSHKENT

7.25 Курсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Ташкент!». 8.30, 11.35, 12.35, 18.25, 18.45, 21.25 «Анонс»...

DTV

07.30 «Музыка на ДТВ». 07.35, 13.10-13.45 М/ф. 09.00, 20.55 «Самое смешное видео»...

ТВ

07.00 Победоносный голос. 07.30 М/ф. 10.00 Х/ф «Чандар, черная леопард Цейлона»...

ТОҒИЙУЛ Chorshanba

9.15, 20.50 «Зерда». 9.55, 18.55, 21.55 «Йилми». 10.00, 13.00, 16.00 «ДАВР»...

20.40 «Эълонлар». 21.35 «Ешлик навалари». 22.30 «SMS-музыка».

7.25 Курсатувлар тартиби. 7.30 Салом, Ташкент!». 8.30, 11.10, 12.05, 12.40, 18.25, 18.45, 21.25 «Анонс»...

7.00 «Бодрое утро». 8.00 «Хабарлар» (рус. тилида) 8.20 М/ф.

SPORT

7.00 «Бодрое утро». 8.00 «Хабарлар» (рус. тилида) 8.20 М/ф.

TOSHKENT

7.25 Курсатувлар тартиби. 7.30 Салом, Ташкент!». 8.30, 11.10, 12.05, 12.40, 18.25, 18.45, 21.25 «Анонс»...

DTV

07.30 «Музыка на ДТВ». 07.35, 13.10-13.45 М/ф. 09.00, 20.55 «Самое смешное видео»...

ТВ

07.00 Победоносный голос. 07.30 М/ф. 10.00 Х/ф «Робинзон из Беверли Хиллз»...

ТНТ

04.45 Т/с «Любовь и тайны Сансет Бич». 05.30, 12.30, 18.00 «Такси»...

ТВ

05.00 «Сегодня утром». 07.10 Т/с «Чужое лицо»...

РОССИЯ

04.00 «Доброє утро, Россия!» 07.00 Д/ф «Курская дуга. Планы на лето»...



07.00 М/с «Семейка Тофу»...



07.00 М/с «Семейка Тофу»...



07.00 М/с «Семейка Тофу»...



07.00 М/с «Семейка Тофу»...



07.00 М/с «Семейка Тофу»...



07.00 М/с «Семейка Тофу»...



07.00 М/с «Семейка Тофу»...



07.00 М/с «Семейка Тофу»...



07.00 М/с «Семейка Тофу»...



07.00 М/с «Семейка Тофу»...



07.00 М/с «Семейка Тофу»...

ЎЗБЕКИСТОН

- 5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

- 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.05 «ТВ шифокор».

14-iyul Shanba

- 12.00 «Ер сайёраси». Илмий-оммабол фильм.

TOSHKENT

- 7.25 Курсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!»

SPORT

- 7.30, 21.30 «Хабарлар» (Ўзб. тилида) 7.50 «Бодрое утро».

- 04.25 X/ф «Ботанический сад».

- 07.00, 10.00, 13.00, 19.00 «Вести».

- 07.15 Лотерея «Золотой ключ».

- 19.00 «Акс» Ток-шоу.

- 01.00 «Территория призраков».

РОССИЯ

- 05.00 «Доброе утро, Россия!»

- 05.00 Боевик «Морские дьяволы».

- 06.00 M/c «Ох уж эти детки!»

- 07.00 M/ф «Точка исчезновения».

- 07.00 M/ф «Принцесса-Лебедь».

- 05.00, 09.00, 11.00 Новости.

- 07.00, 10.00, 13.00, 19.00 «Вести».

- 10.00 «Загадки шоу-бизнеса».

- 08.00 «Музыка на ДТВ».

- 07.00 «Хабарлар» (Ўзб. тилида) 7.50 «Бодрое утро».

Таътил учун ҳақ

Мен тўрт йилдан бери босмаҳонада компьютер оператори вазифасида ишлаб келаман. Шу билан бир вақтда иккинчи мутахассислик бўйича ҳам сиртдан таълим оламан.

Ҳар сафар ўқинишга чақиртирилганимда менга ўқув таътили берилди. Аммо олаётган маошим ҳазирча ўқиниш даври ва йўл қарога етмайпти. Шунинг учун иш беришдан ҳеч бўлмаганда йўл харажатлари учун пул сўрасам бўладими?

Р.АБДУРАҲИМОВ,
Урганч шаҳри

Пул сўраш ўрнига сиз қонун берган имтиёздан фойдаланишингиз мумкин. Аниқроқ қилиб айтганда, Меҳнат кодексининг 257-моддаси талабига кўра, иш беришчи олий ва ўрта махсус ўқув юртлирида сиртдан таълим олаётган ходимларга лаборатория-имтиҳон сессиясида қатнашиш мақсадида ўқув юрти жойлашган ерга бориши ва у ердан қайтиб келиши учун йўлига бир марта йўл қиранинг эллик фоиздан кам бўлмаган қийматини тўлайди.

Диплом лойиҳаси тайёрлаш ва уни ёқлаш ёки битирув имтиҳонларини топшириш учун бориб келинганда ҳам шундай миқдорда йўл қира тўланади.

Пенсияга икки йил қолганда...

Мен ўттиз икки йил давомида турли хил лавозимларда ишлаб келдим. Ёшим ҳам элликдан ошди. Ана шу жиҳатларни эътиборга олиб, яқинда туман ижтимоий таъминот бўлимига пенсия тайинлашларини сўраб борсам, пенсияга чиқиш учун яна беш йил керак дейишди. Лекин ҳозирги шароитда мен қабилирни ҳамма ҳам ишга олавермайди. Шунинг учун мен шахсий ёрдамчи хўжаликда қорамони боқиб билан банд бўлсам бу ҳам иш стажига қўшиладими?

Р.ЛАТИПОВ,
Гулистон тумани

Сиз амалга ошираётган фаолият меҳнат стажига кириши учун етиштирилган бундай товар маҳсулоти пул ёки натурал шаклида даромад олиш мақсадида сотилган тақдирдагина иш билан банд деб топилади.

Бундай иш билан шуғулланадиган шахсларга, агар улар иш бериувчилар билан меҳнат муносабатларида турмаса ёки белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган хусусий тадбиркорлар ҳисобланмаса уларга белгиланган намунадаги меҳнат дафтари охирида турмасега ёки белгиланган тартибда Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг

камида 50 фоизи миқдорда сугурта бадаллари тўлаб борилиши лозим. Ана шундангина бу иш билан банд бўлинган даврлар «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ пенсия тайинлаш учун меҳнат стажига қўшилади.

Меҳнат дафтари эса меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш туман бўлими томонидан юритилади. Меҳнат стажини ҳисобга олиш бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўланганлиги тўғрисида туман давлат солиқ хизмати органларидан олинган маълумотлар асосида туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан амалга оширилади.

Кредит суммаси қанча?

Ҳозирги кунда Республикада ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида турар жойлар сотиб олиш ёки уни реконструкция қилиш учун банклар томонидан ипотека кредитлари берилиши тўғрисида жуда кўп гапирилмоқда. Бунда қимдир ўн беш йилга қирқ миллион, қимдир ўн миллион берилар экан

Бундай фаолиятни тартибга солувчи Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 январдаги 2-сон қарори билан тасдиқланган низоми талабига мувофиқ, тижорат банки томонидан Жамғарманинг имтиёзли кредит линиялари ҳисобидан бериладиган ипотека кредити миқдори:

— якка тартибда уй-жой қуриш ва сотиб олиш учун — қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 3000 бараваригача;

— якка тартибда қурилган уй-жойни реконструкция қилиш, шунингдек кўп квартиралы уйдаги квартирани сотиб олиш учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 2500 бараваригача ташкил этади.

Қарз олувчи томонидан якка тартибда уй-жой қуришга кредит олиш учун тижорат банкига сўраётган кредит суммасини қўрсатган ҳолда кредит олишга буюртманомаси билан бирга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1) ариза бериувчининг ер участкасига (домий фойдаланиш, мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод эгалик қилиш, мулк эгаси) бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатнинг нотариал тасдиқланган нус-

хаси;

2) ариза бериувчининг ва у билан бирга яшайдиган оила аъзоларининг даромадлари тўғрисида охириги 12 ой учун доимий иш жойидан (доимий иш жойи мавжуд бўлганда) берилган маълумотномалар ёки ариза бериувчининг ва унинг оила аъзоларининг охириги 12 ой учун даромадлари тўғрисидаги декларацияларнинг уларнинг яшаш жойидаги давлат солиқ органи томонидан тасдиқланган нусхалари;

3) якка тартибда уй-жой қуришга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда келишилган ва қарз олувчи томонидан тасдиқланган лойиҳанинг нусхаси;

4) ариза бериувчининг номига очилган жамғарма омонат ҳисоб рақамига пул маблағлари жойлаштирилгани тўғрисидаги банк маълумотномаси ёки қарз олувчи томонидан сотиб олинган қурилиш материаллари ёки бажарилган қурилиш-монтаж ишлари қийматининг баҳоси бўйича дастлабки ҳисоб-китоб. Тижорат банкидаги жамғарма омонат ҳисоб рақамига жойлаштирилган пул маблағларининг жами суммаси ва қўрсатиб ўтилган қури-

демоқда. Айтингчи, аслида қонун бўйича кредит қанчагача берилиши кўзда тутилган? Якка тартибда уй-жой қуриш учун қандай ҳужжатларни тўплаш керак?

Ш.НАВРҲУЗОВ,
Асака тумани

лиш материалларининг ва бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг қиймати Низомда кўрсатилган миқдордан кам бўлиши мумкин эмас;

5) ариза бериувчининг оиласи таркиби тўғрисида яшаш жойидан берилган маълумотнома ва унинг паспорт нусхаси.

Ариза бериуви Жамғарманинг кредит линиялари, тижорат банкларининг ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлари ҳисобига ипотека кредити олиши учун:

— қуриладиган, сотиб олинган уй-жой ёки кўп квартиралы уйдаги квартира қийматининг;

— уй-жойни реконструкция қилиш қийматининг камида 25 фоизи миқдордаги ўз маблағига эга бўлиши керак.

Ушбу маблағлар ариза бериувчининг номига банкда очилган жамғарма омонат ҳисоб рақамига миллий ёки чет эл валютасида мавжуд бўлиши, шунингдек қуриладиган уй-жой сметга қийматининг ёки реконструкция қилиш қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ариза бериуви томонидан ўз маблағлари ҳисобига сотиб олинган қурилиш материаллари тарзида бўлиши мумкин.

Васиятнома шarti

Менинг икки нафар ўғлим бор. Шудардан биттасига борча мол-мулкимни васият қилмоқчи эдим. Лекин бу ўғлим бироз шўх бўлганлиги учун меросхўни эгаллаш учун унга айрим қилқаларини ташлашни айтдим. У ҳам шунга рози бўлди. Аммо унинг бу гапларини қандай қилиб тасдиқлаштириб олам бўлади?

Ш.ВАЛИЖОНОВА,
Қибрай тумани

Сиз васият қилувчи сифатида васиятномада белгиланган меросни олиш учун меросхўрнинг хулқ-атвори кўни қонуний равишда шарт қилиб қўйишга ҳақлисиз. Лекин васиятноманинг бундай шартлари амалдаги қонун талабига мувофиқ бўлиши лозим. Чунки, меросхўрни танлаш ёки ворислик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги фармойишга киритилган гайриқонуний шартлар ҳақиқий бўлмайди.

Шу билан бирга, васиятномага киритилган, лекин меросхўр ўз саломатлиги аҳолига кўра ёки бошқа объектив сабаблар туфайли бажара олмайдиган шартлар меросхўрнинг даъвоси бўйича ҳақиқий эмас деб топилши мумкинлигини ҳам унутмаслик керак.

Нафақа қанчага ошди?

Республикамиз Президентини томонидан қабул қилинган Фармонга кўра, кам таъминланган фуқароларга қўшимча иш ҳақи, йўл ҳақлари белгиланганлигини эшитган эдим. Лекин бу Фармонни мен ҳеч қаердан тополмайман. Шунинг учун ижтимоий ёрдам кўрсатиш муассасаларида ишлаётган ходимлар учун иш ҳақлари қанчага оширилгани тўғрисида маълумот берсангиз.

Л.ШАКАРЖОНОВА,
Анджон шаҳри

Республикамиз Президентининг жорий йилнинг 19 март кунги ПФ-3864 сонли Фармонига кўра, ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва ҳақ тўлаш механизминини такомиллаштириш, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муассасаларининг моддий-техника базасини мустақамлаш мақсадида 2007 йилнинг 1 июлидан:

— уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари ходимларининг тариф ставкаларига 15 фоиз миқдорда қўшимча;

— жисмоний ривожланиш имконияти чекланган ва жисмоний нуқсонлари бўлган шахслар учун ихтисослаштирилган коллежларда ногирон-ўқувчиларнинг бепул овқатланиши;

— уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизмати ходимлари, шунингдек, ногирон болаларни уйда ўқитаётган педагоглар учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда энг кам иш ҳақининг 1 баравари, Тошкент шаҳрида 1,5 баравари миқдорда ойлик йўл ҳақи компенсацияси жорий этилиши белгиланди.

Ҳужжатнинг мўддати

Мен ўн йилдан бери касалхонада ҳамшира бўлиб ишлайман. Утган давр мобайнида бирон марта ҳам илтизомий жазо олмаган эдим. Яқинда касалхонамизга ётқизилган бир бемор билан боғлиқ ҳолда бўлим мудир билан низога бориб қолдик. Хуллас, маълумият бу ҳолатда мен ноҳақ эканлигимни жаммо шартномаси талаби билан исботлашга уринди. Лекин жаммо шартномасининг амал қилиш йилга қарасам, 2006 йилнинг декабрига қадар амал қилиши белгиланган экан. Шунинг рўқса қилиб, бу эски экан десам боқсан ҳам қабул қилинганми йўқ дейишди. Бу вазиятда қим қанча?

Э.ТўЛАБОВА,
Тошкент шаҳри

Ҳақиқатан ҳам ҳар бир ҳужжат, шу жумладан жаммо шартномаси ҳам унда белгиланган мўддат давомида амал қилади. Бироқ, Меҳнат кодексининг 41-моддасига кўра, жаммо шартномасининг амал қилиш мўддати тугаган бўлса, у янги жаммо шартномаси тузилгунга ёки амалдаги шартнома ўзгартирилгунча, тўлдирилгунча амалда бўлади.

Рекламасиз ҳаёт борми?

Бугунги кунда рекламани деярли ҳар қадамда — транспортда ҳам, ОАВнинг ҳамма турида ҳам учратмасдан шўх бўлиб кетамиз. Ана шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда реклама бериувчиларнинг берилаётган рекламанинг асослигини учун жавобгарлик белгиланганини? Бу каби қонунчиликнинг тўғри қўлланилиши устидан қим назорат қилади?

Э.ҲАМДАМОВ,
Тошкент шаҳри

Рекламанинг муваффақияти энг аввало унинг ишончилигидандир. Шунинг учун Республикада ишончилиги реклама бериувчилар, рекламани тайёрловчилар ва тарқатувчиларнинг ишонсиз реклама берганликлари учун; юридик шахсларга — энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш бараваридан юз бараваригача, жисмоний шахсларга эса — энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши мумкин.

Бу каби жавобгарлик чоралари белгиланган эса тадбиркорлик субъектларига жарима солиш суд томонидан, тадбиркорлик субъектлари айбига иқтидор бўлганда ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаганда эса Республика Монополиядан чиқарилган, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Қолаверса, реклама бериувчилар, рекламани тайёрловчилар ва тарқатувчиларнинг реклама тўғрисидаги қонунчиликни бузишлари тугатиш тўғрисидаги фар-

Коммендантлик соати

Покистон ҳукумати чоршанба кун Ислмободда комендантлик соатини жорий этди. Маълумки, сешанба кунги ушбу ҳудудда хавфсизлик хизмати кучлари ҳамда талабалар ўртасида жиддий тўқнашувлар рўй берган эди. «France Presse» ахборот агентлигининг хабарига кўра, пойтахтда юз берган отишмалар чоғида 12 киши ҳалок бўлган, 150 киши жароҳатлан-

ган. Ҳалок бўлганларнинг бири ҳарбий, бири журналист, диний мактабда таҳсил олган турт нафар талаба, қолганлари эса воқеалар жараёнини кузатиш иштиғидаги оддий шахарликлар бўлган. Тўқнашувларда иштирок этган талабаларнинг деярли барчаси диний таълимот олаётган ёшлардир. Шарият қонунларини жорий этиш бўйича тарғибот ишлари турли

«уламолар» ҳамда Лал Масжид раҳбарияти томонидан бир неча блок-постлар қўйилган. Улар турли намойишлар ўтказиб, номуносиб ҳулқ-атвори билан танилган шахсларни ўғирлашган.

Ҳозирда Лал Масжид атрофида ҳарбийлар томонидан бир неча блок-постлар қўйилган. Масжид биносидан электр таъминоти ишдан чиққан. Покистон ички ишлар вазирининг ўринбосари Лал Масжид раҳбариятига мурожаат этиб, уларнинг хавфсизлиги таъминлашига кафолат бериб, қуролларини тоширишни сўради. Вазирнинг сўзига қараганда, ҳукумат Ислом дини ҳамда Покистон давлатини жаҳон ҳамжамияти олдига қора туеда кўрсатишга ҳаракат қилаётган шахсларга нисбатан қескин ва муросасиз кураш олиб боришга қатъий қарор қилди.



Экстремизмга қарши

Россия давлат думаси иккинчи ўқишда экстремизм жинояти учун жавобгарликни оғирлаштирувчи қонун лойиҳасини маъқуллади. Янги қабул қилинган қонун лойиҳасига мувофиқ, Россия давлати ҳудуддада экстремистик материалларни тарқатиш, шунингдек, уларни ишлаб чиқариш ёки тарқатиш мақсадида саклаш қатъян маън этилади.

Таъкидлаш жоизки, янги қонун лойиҳасида жорий этилган меъёрларга кўра, эндиликда Россия ҳудудда фуқароларнинг ўзаро телефон сўзлашувлари махсус хизмат ходимлари томонидан эшитилади (агарда ўзаро сўзлашув мазмунини жиноятни содир этиш хусусида кетаётган бўлса). Бундан ташқари, қонун лойиҳасида «экстремизм, экстремистик фаолият» тушунчалари кенроқ ва аниқроқ изоҳлаб берилган. Айни шу тушунчаларга доир бандлар, амалдаги «Экстремистик фаолиятга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунга киритилиши кўзда тутилган.

Ҳужжатда оммавий ахборот воситаларига доир бандлар ҳам мавжуд. Уларда, суд томонидан ёпилган ёки маън этилган ташкилотлар рўйхатига кирувчи уюшма ва бирлашмалар тўғрисида ахборот тарқатилиши учун ОАВнинг жавобгарлигини ошириш масаласи ҳам киритилган. ОАВ томонидан бундай ташкилотлар ҳақида маълумот берилганда, албатта ахборот берилаётган уюшма ёки бирлашма суд томонидан ёпилгани ёхуд маън этилгани кўрсатиб ўтилиши шарт. Қонун лойиҳасида суд томонидан фаолияти тўхтатилган ёки маън этилган жамоат ва диний ташкилотлар рўйхати интернет ва ОАВда ёритилиши ҳам белгиланган.



Мексикалик тадбиркор Карлос Слим Элу Ер юзюда энг бадавлат инсон сифатида эътироф этилди. Британиянинг «The Guardian» нашрининг ёзишича, Слим назорат қиладиган «America Movil» компаниялар гуруҳининг акциялари нархи кўтариллиши боис, у дунёнинг энг бой одамга айланган. Шу



Билл Гейтсдан бойроғи бор экан

тариха Карлос Слим бир неча йиллар давомида сайёрамининг энг бадавлат одамлари рўйхатида бошчилик қилиб келган Билл Гейтсдан етакчиликини олиб қўйди.

Йилнинг иккинчи чорағида «America Movil» акциялари 27 фоизга ошгани ҳолда, «Microsoft»нинг акциялари 5,7 фоизга ошган, ҳолос. Бундан ташқари Слимга қарашли «Inbursa» банкнинг қимматли қоғозлари нархи ҳам 20 фоизга ошган. Сарҳисоб қилинганда Слимнинг давлати 67,8 миллиард долларга баҳоланди. Билл Гейтснинг мулкис эса 59,2 миллиард долларга тенг эканлиги эътироф этилди. Таъкидлаш лозимки, ўтган йили «Forbes» журналининг эълонига кўра, Карлос Слим Элу дунёнинг энг бадавлат кишилари рўйхатида учинчи ўринни эгаллаган эди. Бирок, 2007 йилнинг апрелига келиб Слим Элу иккинчи ўрин соҳиби Уоррен Баффетдан 700 миллион долларга ўтиб кетиб, унинг ўринини эгаллаган. «America Movil» компаниялар гуруҳи Латин Америкаси ҳудудда етакчи телекоммуникацион компания сифатида эътироф этилган.



Вулфовиц қайтиб борди

Жаҳон банкининг собиқ раҳбари Пол Вулфовиц, эндиликда АҚШ тадбиркорлик институтининг тадқиқотчиси сифатида фаолият юритади. «Washington Post» газетасида ёзилишича, янги лавозимда Вулфовиц Африка тадқиқотлари, халқаро иқтисодий ривожланиш ҳамда хусусий давлат ҳамкорлиги масалалари борасида тадқиқотлар олиб боради. Таъкидлаш жоизки, Пол Вулфовиц Пентагонга ишга ўтишига қадар (2001 йил) айнан шу ерда маслаҳатчи лавозимида ишлаган.

Эслаб ўтамиз, Пол Вулфовиц мансабини суистеъмом қилиб ўз жазманини юқори лавозимларда ишлашига ва жуда катта маош олишига раҳнамоллик қилиб келгани учун вазифасидан озод этилган эди. 2007 йилнинг июни ойида эса Жаҳон банкига янги раҳбар этиб АҚШ президенти маъмуриятда ишлаган Роберт Брюс Целлик тайинланди.

Жиноятга жазо муқаррар

Ироқда АҚШ ҳарбий контингенти сафида хизмат қилган оддий аскар Стивен Грин устидан олиб борилаётган суд жараёни тобора қизгин тус олмақда. Грин Ироқдаги хизмати чоғида бутун бошли силани қўлдирганиликда ҳамда 14 ёшли қизалоқнинг номунига текканликда айбланмоқда. Таъкидлаш лозимки, АҚШ Федерал прокурорлари агарда Гриннинг айби исботланса, суддан унга нисбатан ўлим жазосини

қўллашни талаб қилишларини билдирдилар.

«France Presse» ахборот агентлигининг хабар қилишича, АҚШ прокуратураси ўз аскарлари томонидан Ироқда содир этилган жиноятлар учун илк бор олий жазони сўрамоқда.

Стивен Грин билан боғлиқ воқеа Богдоддан бир неча километр узоқликда жойлашган Махмудия қишлоғида 2006 йилнинг март ойида рўй берган. Ноябрьда эса унга нис-

батан айб эълон қилинган.

Стивен Грин Ироқдаги АҚШ ҳарбий контингенти таркибидаги 101-ҳаво-десант дивизиясида 11 ой хизмат қилиб, 2006 йилнинг май ойида «антисоциал психолатия» ташхиси билан армия сафидан бўшатилган. Ҳарбий шифокорлар Гриннинг бу касаллиги тўғрисида билганлар, шунга қарамай кичик муддатли даволашдан сўнг унинг сафга қайтишига рухсат беришган.

Бу Махмудияда рўй берган воқеалардан тўрт ой олдин бўлиб ўтган. Қотиллик ва номунога тегиш жиноятига шерик бўлган у нафар гумонланувчи ўз айбларига тўлиқ иқдор бўлишди. Улардан икки нафари 18 йил муддатга, учинчиси 9 ойлик қамқоқ жазосига ҳукми этилди. Махмудия фожиясининг тўртинчи иштирокчиси, ташкилотчиси Стивен Грин эса 30 йиллик кўни суд олдида жавоб беради.

Янги харид

Американин «Blackstone» инвестицион гуруҳи «Hilton Hotels» меҳмонхоналар тармоғини 26 миллиард долларга сотиб олмақда, деб хабар қилади «BBC News» ахборот агентлиги. Маълумотларга қараганда, шартнома шартларига кўра, «Hilton»нинг 7,5 миллиард доллар қарзи ҳам тўлов ичига киритилган. Мазкур келишув «Hilton Hotels» директорлари кенгаши томонидан маъқулланиб, унинг ижроси 2007 йилнинг охирига режалаштирилган. «Blackstone» авваллари ҳам меҳмонхона бизнесига инвестициялар киритган, хусусан «La Quinta Inns» ва «Luxury Resorts and Hotels» тармоқлари ҳам айнан шу компанияга қарайди. Ушбу инвестицион гуруҳ таъсисчилари Стивен Шварцман ҳамда Питер Питерсон ўтган ойдаги акциялар сотувидан 2,4 миллиард доллар ишлаб олишди. Ўз навбатида, «Hilton» корпорациясига «Conrad Hotels» ҳамда «Waldorf-Astoria» брендлари тегишлидир. 1964 йили компания раҳбарияти ўз активларини фақатгина америка бозорига мўлжаллашга қарор қилиб, хориждаги барча меҳмонхоналарини сотиб юборган. 2006 йили эса корпорация ўша мулкларни Буюкбританиянинг «Hilton Group» компаниясида 3,3 миллиард долларга яна қайтиб сотиб олди.



Янги харид

Американин «Blackstone» инвестицион гуруҳи «Hilton Hotels» меҳмонхоналар тармоғини 26 миллиард долларга сотиб олмақда, деб хабар қилади «BBC News» ахборот агентлиги. Маълумотларга қараганда, шартнома шартларига кўра, «Hilton»нинг 7,5 миллиард доллар қарзи ҳам тўлов ичига киритилган. Мазкур келишув «Hilton Hotels» директорлари кенгаши томонидан маъқулланиб, унинг ижроси 2007 йилнинг охирига режалаштирилган. «Blackstone» авваллари ҳам меҳмонхона бизнесига инвестициялар киритган, хусусан «La Quinta Inns» ва «Luxury Resorts and Hotels» тармоқлари ҳам айнан шу компанияга қарайди. Ушбу инвестицион гуруҳ таъсисчилари Стивен Шварцман ҳамда Питер Питерсон ўтган ойдаги акциялар сотувидан 2,4 миллиард доллар ишлаб олишди. Ўз навбатида, «Hilton» корпорациясига «Conrad Hotels» ҳамда «Waldorf-Astoria» брендлари тегишлидир. 1964 йили компания раҳбарияти ўз активларини фақатгина америка бозорига мўлжаллашга қарор қилиб, хориждаги барча меҳмонхоналарини сотиб юборган. 2006 йили эса корпорация ўша мулкларни Буюкбританиянинг «Hilton Group» компаниясида 3,3 миллиард долларга яна қайтиб сотиб олди.

Шарқ томон кенгайиб

«Ceskenoviny.cz» ахборот агентлигининг хабар беришича, Чехия ҳукумати, АҚШнинг ракета зарбаларига қарши мудофаа тизимига қириданган ҳаво ҳужумига қарши радарни Прагадан 90 километр узоқликдаги, Фарбий Богемияда жойлашган Мишов аҳоли турар пунктда жойлаштирмоқчи. Радарларни жойлаштириш бўйича ҳукумат вакили Томаш Кланнинг айтишича, давлат хавфсизлиги кенгаши йиғилишида тез орада мазкур ҳудуднинг сўнгги таҳлили ва ўлчувлари, ҳаво ҳужумига қарши радарларни жойлаштиришга қулайлик ва афзаллик томонларини ўрганиб чиқишга келишилган.

Шундай бўлса-да, радарни жойлаштириш бўйича охириги сўзни мамлакат парламенти айтди. АҚШ ҳамда Чехия ҳукумати ўртасида ушбу масалага бағишланган музокаралар 2007 йилнинг охиригача давом этади. Американиннинг фикрича, чехлар 2008 йилнинг январидан айни масала юзасидан ўз жавобларини билдиридилар.

Эслаб ўтамиз, Чехияда барпо этилиши режалаштирилган ракета ҳужумларини узоқдан аниқтайдиган радардан ташқари, АҚШ Полшда унга ҳаво ҳужумини бартараф этувчи ракеталарни ҳам жойлаштирмоқчи ва 2012 йилга келиб узининг ракеталарга қарши тизимининг шарқий Европадаги бўлимини ишга туширмоқчи.



Журналист озод этилди

Жорий йилнинг 12 мартда Ғазо секторида гаровга олинган буюкбританиялик журналист озод этилди. Ушбу ҳудудда доимий фаолият олиб борган 45 ёшли Алан Жонстон бир неча йиллар давомида Яқин Шарқ минтақасида турли репортажлар тайёрлаб келган. Фаластинда юзага келган вазият туфайли қарама-қарши турган томонлардан бири товон пулини олиш мақсадида журналистни ўғирлайди. Олиб берилган музокаралар натижасида Жонстон чоршанба кун, ҳеч бир товон пули тўланмай озод этилди, деб хабар беради «Reuters» ахборот агентлиги.



ПРОВАЙДЕРЛАР, ЭХТИЁТ БЎЛИНГ

Интернетда портловчи моделар ишлаб чиқариш бўйича маълумотларнинг тарқатилиши янги тақлиф этилаётган аксилтеррор қонун лойиҳасига кўра жиний жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади. Мазкур лойиҳа сешанба кунги Европа Иттифоқининг ахборот масалалари бўйича комиссари Франко Фраттини томонидан муҳокамага берилган. «The Times» нашрида ёзилишича, Яманда испан сайёҳларининг қурбон бўлиши ва бошқа воқеалар мазкур ҳужжат юзага келишига сабаб бўлди. Қонун лойиҳаси муаллифларнинг сўзларига қараганда, агарда интернет провайдерлар террористик қўлланмалар жойлаштирилган сайтларни ёпишдан бош торсал, у ҳолда улар ҳам жиний жавобгарликка тортилишлари муқаррар.

Интернет хабарлари асосида М.ПАРДАЕВА тайёрлади

Кредитни қангай оламан?

Ўртбошимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-си Фармонида буюриб олинган ният қилган эдим. Аммо бунинг учун қандай ҳужжатлар талаб қилиниши ҳақида маълумотга эга эмасман. Шу ҳақида маълумот берсангиз.

Анвар ЎТАЕВ, Тошкент шаҳри

Ипотека кредити олувчи ёш оилалар (уларга ҳар бири 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтган ёшлар кирди) куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- қарз олувчи томонидан имзоланган ва тўлдирилган кредит маълумотномаси;
- қарз олувчи (қарз олиш бўйича шерик)-нинг паспорти, жамғара пенсия дафтраси шахсан кўрсатилади (банк паспорт ксеро нусхасини олиб кредит йиғма жилдига тикиб қўйиш лозим);
- омонатга қўйилган бадал суммасини тасдиқловчи ҳужжат (омонат дафтраси нусхаси);

— яшаш жойидан оила аъзолари ҳақидаги маълумотнома;

— балоғат ёшига етган ва етмаган оила аъзоларининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхалари тақдим этилади. (Уларнинг нусхалари кредит йиғма жилдига тикиб қўйилади).

— қарз олувчи (қарз олиш бўйича шерик)-нинг охириги ишлаб турган жойидаги меҳнат контракти ва меҳнат дафтрасининг иш берувчи томонидан тасдиқланган нусхаси;

— қарз олувчи (қарз олиш бўйича шерик)-нинг иш ҳақи тўғрисида асосий қўшимча иш жойидан маълумотнома;

Сўраган эдингиз?

— уй-жойни харид қилиш бўйича сотувчи билан шартнома ва қонун талабларига жавоб берадиган мустақил баҳоловчи томондан уй-жойнинг ҳақиқий қиймати тўғрисида ҳисобот;

— суғурта шартномалари;

— зарур бўлган ҳолда қўшимча ҳужжатлар талаб қилиниши мумкин.

«Ёш оила» истеъмол кредитларини расмийлаштириш учун эса банк филиалига фуқаролар томонидан куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- кредит олиш учун кредит буюртмаси (илова);
- омонат бадал қўйилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (омонат дафтраси, касса кириш ҳужжатлари);
- таъминот;
- яшаш жойидан маълумотнома;
- даромадлари тасдиқловчи маълумотлар.

Саволга «Микрокредитбанк» матбуот хизмати жавоб берди

Пойтахтга ўқиш орзуси

Ўғлим Тошкент шаҳридаги коллежда ўқиш ниятида эди. Аммо пойтахтдаги коллеж ва лицейларга вилоятлардан ўқувчилар қабул қилинмайди деган гап-сўзлар юрибди. Шу тўғрисида Наҳотси, ўғлимнинг Тошкентдаги коллежда ўқиш орзуси ушаламса?

И.НИЁЗОВ, Самарқанд вилояти Оқдарё тумани

9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқитиш билан қамраб олиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомига асосан, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг қамраб олиш имконияти доирасида ўқиш имтиҳонини билдирган битирувчилар тўғрисидаги, агар академик лицей ва касб-хунар коллежларининг қамраб олиш имкониятидан ортқ битирувчилар ўқиш имтиҳонини билдирган ҳолатлар-

да, битирувчиларнинг шохдотномаларининг ўртача бали бўйича қабул қилинмоқдалар.

Қамраб олинмаган битирувчиларнинг ҳужжатлари уларнинг хоҳишига қўра, академик лицей ва касб-хунар коллежи ҳамда ҳудудий ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси томонидан, келишув асосида бошқа ўрта махсус, касб-хунар коллежларига ўтказилади.

Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактабларининг 9-синфи

битирувчилари академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқиш билан тўлиқ қамраб олинмаган сўнг, вилоятлардаги 9-синф битирувчиларининг ҳужжатлари ҳам ўрнатилган тартиб асосида буш ўринларга қабул қилина бошланади.

Саволга Тошкент шаҳар ўрта-махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бўлим бошлиғи С.УСМОНОВ жавоб берди

Турфа олам



Бангидевона ва имтиҳон

Яман мамлакатидagi мактаблардан бирида кутилмаган воқеа содир бўлди дея хабар беради «Ал-Айём» газетаси.

Маълум бўлишича, анъанага қўра имтиҳон олдида ўқувчилар хонасига йиғилган муаллимлар бир пиёладан чой ичишиб тарқаладилар. Аммо имтиҳон олинаётган хонага етиб борган ўқувчиларни ўқувчилар таниёлмай қолишди. Улар гап-сўзлари ва хатти-ҳаракатлари билан ҳақиқий бангилардан фарқ қилмасди.

Тезда тегишли идораларга хабар берилди. Аниқланишича, кимдир уларнинг чойига бангидевона урғуларини солиб қўйган экан. Кучли захарланиш оқибатида ўн икки киши шифохонага ётқизилди. Дарвоқе, бангидевонадан захарланганлар орасида устозларининг чойига шерик бўлган икки нафар ўқувчи ҳам бор экан.

Ушбу воқеа сабаб мактабга келган Яман таълим вазири мутасаддилари жабрланганларга кўрсатилгандаги табиий ёрдам ҳаракатларини ўз зиммасига олишини маълум қилган. Айни пайтда мазкур иш бўйича жиноят иши очилди, икки нафар шахс гумдор сифатида тутиб турилибди.

Менда шундай бир нуқсон бор. Тўғри, буни нуқсон демаса ҳам бўлади-ку, аммо... Кўзимга саводсиз, бўш кўринган киши, аслида «даҳо», олим бўлиб чиқади. Ёки аксинча, бақувват, чапдаст кўринган одам ҳаётда бир нарсани у ёқдан бу ёққа олиб қўя олмайдиган «бир тоғора хамир» бўлиб чиқади.

Яқинда ҳам шундай бўлди. Фаллаорол даштларида микроавтобусда кетаётганда. Манзил узоқ, ҳамма вақт ўтказишнинг ўзига мос йўлини танлаган: кимдир уйқуну «уряпти», яна кимдир бақир-чақир сўхтаётган билан банд.

— Ҳақиқий фермер ернинг тилини билиши керак. Техникаси шай бўб турса, камчилиги бўлмаса даромаднинг тағди қолади. Бугун битта «Магнум» галлашиб кел-

мизда бошқалари саргайиб қолган бугдойзор гавдаланди. Бироз юргач, яна фермернинг овози жаранглади:

— Ҳанов, тепаликдаги ер ҳам меники. У ерга нўхот ё махсар экилган шекилли, тўқ сарик бўлиб турарди. Юришда давом этдик.

— Манов ҳам меники. Бироз «бу кимнинг ери» деб сўрагандек, фермер яна билдирди киши. Энди ҳамма микроавтобуснинг чап тарафидаги ерга қаради. То манзилга етгунча, бу ҳол



«ФЕРМЕР»

дим. Лизингга берадиган бўлди.

Енимда ўтирган басавлат, пўрим кийинган, қайишига гилофли уяли телефонни кистириб олган бир киши шеригига мактангансимон гапирарди, — бир оқшомда 50 гектар ерни кўрдим демайди-я.

— Жа, унчалик эмасдир, — ҳамсуҳбати ишонмагандек гапирди.

— Ие, ўз кўзим билан кўрдим. Олдимда 5 гектар ерни ағдариб ташлади.

Бу гапга ишондимки ёки бахшлашишни хоҳламадимки, ҳамсуҳбат бошқа эътироз билдирмади.

— Мана, бизнинг ерга ҳам келдик. Ҳу, саргайиб турган жой меники.

Ҳамма ўша томонга қаради. Кўз олди-

бир-неча марта такрорланди. Ҳамма унинг фермерлигини билиб бўлганди. Менинг унга, шунча ерни бошқарётган удабурдон фермерга ҳавасим келди.

— Қанча ерингиз бор? — ўтирганлардан бири кизиқиб сўради.

— 300 гектарча бор.

— Зўр-ку! Буни қандай удалаяпсиз?

— Ишни кўзини билсангиз, 300 гектар нима деган гап!

— Бу йил деҳқончилик қандай бўлаяпти? Қанча ерга бугдой экидингиз?

— Э, деҳқончилик яхши бўлмади, — фермернинг авзойи бироз ўзгарди. — Кузги бугдойни совуқ уриб кетди.

— Ия, ҳамма бу йил ҳосил яхши бўлади

Мутуйиба

деятти-ку!

— Баҳорда қайта эканларники яхши бўлар, балки. Мен ҳам қайта эквамдим, офтоб уриб кетди-ми, ишқилиб ундами.

Бироз олдин савлат тўкиб, бировга гап бермай келётган фермерга ачинган бўлдим. Ахир бугдойини совуқ урибди, баҳоргиси ҳам чиқмабди.

— Нўхот-пўхот, махсар экандирсиз? — ҳамсуҳбатим савол ташлади.

— Ҳа, 20 гектарча ерга нўхот эканман. Ҳамма умид шундан энди... Ниҳоят манзилга ҳам етиб келдим. Дастурхон атрофида гапдан гап чиқиб мезонбонга ўша фермердан оғиз очдим.

— Қайси фермер экан у? — мезонбон гўё ҳамма фермерларни кўз олдида бирма-бир ўткази бошлагандек савол берди.

Мен унинг буй-бабини, гапирчиларини, кўрсатган ерларини баҳола қудрат тасвирлашга ҳаракат қилдим. Бир пайт мезонбон мийғида қулиб юборди.

— Нега қулапсиз? — ҳайрон бўлиб сўрадим.

— Ўша сиз айтган киши ҳақиқатан ҳам фермер. Фақат ҳозир ўзида бир гектар ҳам ер йўқ. Ҳаммасини одамларга сотиб юборган. Сизлар кўрган бугдойзор ҳам, нўхот экилган ер ҳам аслида ўзиники эмас. Ерни сотади, ёнигини сотади, имонини ҳам сотиб юборади унақалар...

Бир нима дейишга ожиз қолдим. Бироз олдин микроавтобусда ҳавасини келтирган одам ҳозир худбин, чорасиз, «бир тоғора хамир» бўлиб чиқди-я. Ҳаммасига ўша менинг нуқсоним сабабчи.

Азим ШЕР

Huquq
yuridik gazeta

Та'сисчи:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:

Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Yusupboy G'OIPOV, Bahridin VALIYEV,
Baxtiyor NAZOROV (Bosh muharrir
o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tobir
MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV,
Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul ko'rib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy,
Telefon: 133-98-82,
133-10-53.

E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida
0188-raqam bilan n'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va
suratlar egalari qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrini tahririyat fikridan
farqlanishi mumkin. Nashrimizdan
ko'chirib boshlaganda «HUQUQ» dan
olinganligi ko'rsatkichi shart. Tjorat
ahamiyatiga molik materiallar **
belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Γ — 655. 19 313 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Nashratchi muharrir: Sh.YODGOROV
Mushahhah: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NIMK bosmaxonasida ofset usulida
chop etildi. Korxonasi manzili: Toshkent shahar,
Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta
haftaniga
payshanba
kunlari
chiqadi.

Sotuvda
erkin narxda

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 21.00 12 3 4 5 6 7 8